**«JAXON SAVDO KOMPLEKSI» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши**
**Б А Ё Н И**

Андижон шаҳри 2019 йил 15 июн.
Найман кўчаси 69 уй соат 10.00

Акциядорлик жамиятининг жами акциялари сони 1 650 000 дона
Акциядорлик жамиятининг жами овоз бериш ҳуқуқига эга акциялари сони 1 650 000 дона.
Йиғилишда 1 382 018 та овозга эга 9 нафар акциядор ва уларнинг вакиллари иштирок этдилар.
**Йиғилиш ваколати 83,76 фоиз.**

## Й И Ғ И Л И Ш   Х А Й Ъ А Т И.

1. Хошимов Анваржон – Йиғилиш раиси
2. Мамуров Анваржон – Йирик акциядор вакили
3. Хожиматов Бозорвой – Акциядор

## К У Н   Т А Р Т И Б И

1.Жамиятнинг Кузатув кенгаши янги таркибини сайлаш.

**Саноқ комиссияси таркиби**

1. Бокиев Мухсинжон – жамият хисобчиси
2. Исакова Муаттархон – жамият ходимлар бўлими бошлиғи
3. Хуруллаев Рахматулло – жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахасиси

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш раиси А.Хошимов сўз олиб, жамиятнинг 7 нафар сайланиши лозим бўлган кузатув кенгаши аъзолари таркибига Андижон шахар хокимлиги ва акциядорлар томонидан жами 11 нафар номзодлар кўрсатилганлигини маълум қилиб, йиғилиш иштирокчиларини номзодлар билан таништирди. Шунингдек сўзини давом эттириб кузатув кенгаши аъзоларини сайлашда овоз бериш куммулятув тарзда амалга оширилиши лозимлиги билдирди ва акциядорларга ушбу масалада қўлларига тарқатилган бюллетенларда ўз муносабатларини билдиришларни сўради.

Йиғилиш раиси А.Хошимов умумий йиғилиш кун тартибига киритилган масала бўйича акциядорлар бюллетенлар орқали овозлар бериб бўлинган бўлса бюллетенларни саноқ комиссиясига топширишни сўради.

Сўнг санок комиссияси бюллетенларни йиғиб олиб, умумий йиғилишда катнашиш ҳуқуқига эга акциядорларни руйхатдан ўтказиш якунига кўра жами 9 та акциядорларга бюллетенлар тарқатилган бўлиб, йиғилиш якунларига кўра 9 та акциядорлар томонидан бюллетенлар санок комиссиясига топширилганлигини маълум қилиб, кун тартибига киритилган масала бўйича берилган овозларнинг натижаларини ўқиб эшиттирди.

**Овоз бериш натижалари:**
**Кузатув кенгашитаркибига сайлов**

| № | Номзодларнинг Исми шарифи | Овозлар сони |
|---|---|---|
| 1. | Хошимов Анваржон Тохирович | 983950 |
| 2. | Тўрахужаев Аюбхон Азизхон ўғли | 982564 |
| 3. | Кўкиев Шухратбек | 982020 |

| | | |
|---|---|---|
| 4. | Тоиров Фуркатбек | 981750 |
| 5. | Акбаржонов Алишер | 981970 |
| 6. | Абдуллаев Фарходбек | 981920 |
| 7. | Хожиматов Бозорвой | 1244269 |
| 8. | Абдурахимов Авазбек | 1241254 |
| 9. | Мамуров Анваржон | 1254433 |
| 10. | Позилов Фарходбек | 814 |
| 11. | Махмудов Рахматулло | 39182 |

**Юқоридагиларни инобатга олиб, кун тартибидаги масалани мухокама қилиб ҳамда саноқ комиссиясининг ахборотини эшитиб, акциядорларнинг умумий йиғилиши**

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И**

1.Жамиятнинг Кузатув кенгаши таркибига кўпчилик овоз олган қуйидаги шахслар яъни

1. Хошимов Анваржон Тохирович
2. Тўрахужаев Аюбхон Азизхон ўғли
3. Кўкиев Шухратбек
4. Акбаржонов Алишер
5. Мамуров Анваржон
6. Хожиматов Бозорвой
7. Абдурахимов Авазбеклар сайлансин.

2.Мазкур йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорни белгиланган муддатларда акциядорлар эътиборига етказилишини таъминлаш максадида жамиятнинг ва ваколатли давлат органининг веб сайтига маълумот ва хисоботлар жойлаштириш орқали ошкор этилсин.

3.Ушбу умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларни ижро этиш вазифаси жамият бошқарувига юклатилсин.

**Йиғилиш раиси** _____________ **А.Хошимов**

**Йиғилиш котиби** _____________ **Р.Хуруллаев**